
ФАРҶОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ РЕСПУБЛИКАДА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ЎРТАСИДА АХБОРОТ ВА КИБЕРХАВФСИЗЛИК БЎЙИЧА ЯНА БИРИНЧИ ЎРИННИ ЭГАЛЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 июндаги ПҚ-4751-сонли ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 июндаги 373-сонли қарорларида юклатилган вазифаларга мувофиқ, "Киберхавфсизлик маркази" томонидан давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ахборот ва киберхавфсизликнинг таъминланганлиги ҳолати 2022 йил IV чораги якуний натижалари бўйича рейтинг баҳолаш ўтказилди.

Фарғона вилояти ҳокимлиги рейтингда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўртасида етакчига айланди ва энг ҳимояланган ҳокимлик деб топилди, ахборот даражаси ва киберхавфсизлик даражаси 93,5 баллни ташкил этди. Киберхавфсизлик маркази томонидан баҳоланган Ўзбекистондаги барча 134 та давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ўртасида эса 12-ўринни эгаллади.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-01-27 17:24:57